

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 144 (9.639) 2001 йил 10 декабрь, душанба Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

БУГУН
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клеистилнинг таклифига биноан Австрияга расмий ташрифи бошланди.
10-12 декабрь кунлари бўладиган ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўтилмоқда.

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 декабрь куни Оқсарой қароғида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллни қабул қилди. Сўхбат чоғида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, халқаро терроризмга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. К. Пауэлл Президент Ислам Каримовга АҚШ Президенти Жорж Бушнинг қизгин салом, ташаккур изҳор этилган ва Вашингтонда учрашиш умиди изҳор этилган мактубини топширди.
- АҚШ Давлат котиби К. Пауэлл Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. У ташқи ишлар вазир А. Комилов ва муҳофаза вазири Қ. Фуломов билан Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ҳамкорлик масалалари юзасидан сўхбатлашди. У, шунингдек, пойтахтимизда фаолият юритаётган ижтимоий маърифат марказига ҳам борди.
- Кеча бундан бир неча йил муқаддам Афғонистондаги вазият кескинлашганиги тўғрисида ёпиб қўйилган Ўзбекистон билан Афғонистонни боғловчи Хайратон кўпригининг очилиш маросими бўлди. Афғонистонга 14 вагонда турли хил юклар, жумладан 4 вагон Ўзбекистоннинг афғон халқига атаган юкларни келтирилди.
- Тошкентда «Ўшустасаноат» Давлат акционерлик уюшмасининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.
- Давлат тест маркази Х. Тўйчиевнинг «Конституцияни биласизми?» мавзусидаги тўпламини чоп этди. Тўплам Конституциямизга дахлдор, муайян мавзуларни қамраб олган тест топшириқларидан иборат бўлиб, улардан нафақат билимини санаб қўришда, балки ҳужуқий тушунарларни бойитишда ҳам фойдаланиш мумкин.
- Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шiori остида кўрик-танлов эълон қилинган эди. Яқинда унинг сўнги — республика босқичи якунланди. Унда Самарқанд Давлат университети, Тошкент Ирригация ва қишлоқ ҳужаљини механизациялаш муҳандислари институти биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Ўзбекистон Миллий университети, Наманган Давлат университетига насиб этди. Қарши Давлат университети ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари эса учинчи ўринни эгаллашди.
- Тошкент молия иқтисод касб-хунар коллежида «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг республика якунловчи босқичи бўлиб ўтди.
- Тошкентдаги Хиндистон маданияти марказида «Нурота каштачилик санъати» кўргазмаси ўтказилди.
- Денов тумани ҳокимлигининг «Чағонийн» газетаси Интернет тармоғига уланди. Энди деновлиқлар нафақат туман, вилоят, балки республикамизу хорижда бўлаётган ўзгаришлар билан мунтазам танишиб борадилар. Қарийб 8 минг нусхада чоп этилаётган «Чағонийн» янги йилдан бошлаб 15 минг обуначи хонадонига кириб боради.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан уюштирилган инсонпарварлик ёрдами Шуманай туманига келтирилди. Умумий қиймати 8 миллион 600 минг сўмлик ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари ериқ оилаларига тарқатиб берилди.
- Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ҳокимлиги «Аёл ва жамият» институти ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси билан биргаликда тadbиркор аёллар билан учрашув ўтказди.
- Паркент туманида юздан ортиқ кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири «Флор» хусусий корхонаси тери маҳсулотларидан кийим-кечаклар тиқишни йўлга қўйди.

Жаҳонда

- Кеча Остонада Қозоғистон Президенти Н. Назарбаев ва АҚШ Давлат котиби К. Пауэлл ўртасида сўхбат бўлиб ўтди. Томонлар нефть-газ ҳамкорлиги ва Афғонистондаги аксилтеррор ҳаракатларининг бориши хусусида сўхбатлашди.
- Бугун Ослода бўлиб ўтадиган маросимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннанга жаҳоннинг Нобель мукофоти топширилади.
- Кеча Россия Президенти В. Путин Грециянинг Сононики шаҳридан Германияга жўнаб кетди. У Ганноверда Германия Федератив Республикаси канцлиери Г. Шредер билан норасмий учрашув ўтказди. Кеча В. Путин Москвага қайтиб келди.
- Россия ўш тинчликпарвар кучларини Афғонистонга киритиши мумкин. Шундай эҳтимолнинг мавжудлиги ҳақида Россия мудофаа вазири Сергей Иванов журналистларга Душанбеда маълум қилди.
- Аксилтолбон қўшинлари Усама бин Лудиннинг Тора-Борадаги асосий истеҳкомини тўла ишғол қилишди. Аммо бу ерда «биринчи рақамли террорчи» йўқ эди, дея хабар беради Reuters Шимолий альянс вакили Муҳаммад Ҳабил маълумотларга таяниб.
- Исроил қарбий-жаво кучлари Ғазо шаҳридаги полиция биносини ўққа тўтиши натижасида бинода ёнғин рўй берган. Reuters хабарига кўра, 18 га яқин киши жароҳатланган Исроил мазмурияти бу зарблар Ёсир Арофат террорчи гуруҳларини қамоққа олишни пайсалга солаётгани учун уюштирилганини айтади.



Хурматли ватандошлар!
Бизнинг яқинлашиб келаётган Янги йилни хонадонларимиз кўрки бўлган қарияларимизга бағишлаётганимиз Яратганимизга ҳам манзур бўлади, иншооллоҳ.
Ишонманки, кўпчилик мана шу байрам муносабати билан бугуноқ ўзлари учун қадрдон бўлган мўтабар зотларни зиёрат қилиб, ўз хурмат-эҳтиромини бажо келтириб, уларнинг кўнглини кўтаради.

Анъанага кўра, бу йил ҳам 7 декабрь — мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун арафасида пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сийёсат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.
Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янграйди.
Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Конституциямизнинг тўққиз йиллиги тўғрисида маъруза қилди.
Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.
Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида халқимиз ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий принцип ва тамғаланиши тўғрисида тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Асосий Қонунда белгилаб берилган мезонларнинг амалий самараси қандайдир ҳаётимизда ўз аксини топа бурса, халқимиз, давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва муқддасларига тезроқ эришадди.
Мустақилликнинг илк кунлариданқоқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош гоҳлардан бирига айланган. Мана, неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади. Бу ном ортсида миллионлаб инсонлар манфаъати, оилалар тинчлиги, аёллар саломатлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси ётади.
Конституция байрами арафасида бошланадиган яна

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам дўстлар!
Аваламбор, бугунги кўтлуг айём — Конституциямизнинг 9 йиллиги билан сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборақбод этишга руҳсат бергайсизлар.
Қадрли юртдошлар!
Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кунни катта байрам сифатида нишонлар эканмиз, бу ерда айтилган фикрларга қўшилиб, ижозатингиз билан, мен ҳам бу санага тегишли баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.
Албатта, Конституциямиз ҳақида, унда биз қураётган янги — эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқлашган билан бутун дунёда эътироф этилган тўғрисида кўп гапириш мумкин.
Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, фақат Асосий Қонунимизни таърифлаш билангина узоққа бораолмаймиз.
Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз — Олий қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.
Бу вазифани амалга оширишга нималар халақит бермоқда, олдимизда тўсиқ ва гов бўлмоқда?
Биз бу борадаги муаммолар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу сабаблар орасида энг асосийси — аҳолимизнинг неча ўн йиллар мобайнида, тўрт-беш авлод умри давомида собиқ иттифок мафқураси ҳукмронлигида тарбиялангани, яъни бу тизимнинг салбий таъсири натижасида одамларимиз онгида қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат қилмаслик, уларни баҳармаслик хусусиятларининг ўрнашиб қолгани, десак, хато бўлмайди.
(Давоми 2-бетда).

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Хабар қилингандек, 7 декабрь куни иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини якунлади.
Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.
Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди. Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси К. Жумабеков Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этди. Парламент ушбу қонунни ва уни хорижий қилиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилди.
«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Панаев тақдим этди.
Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов депутатларнинг эътиборини кредитларни қайтариш, фойза ставкаларини белгилаш, ссудалар беришни назорат қилишни ҳужуқий жиҳатдан аниқ ҳал этиш масалаларига қаратди.
Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатимизда кредит уюшмалари фаолиятининг шундай қонунчилик асосларини яратиш керакки, у ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бера олсин ва мазкур уюшмаларнинг ишчил таракқиятини таъминласин.
Олий Мажлис ушбу Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва Президент Ислам


10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси қабул қилинган кун

ВАТАН ҚАСИДАСИ

Серкўёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот, Сен ўзинг дўстларга йўлдош, мейрбон!
Ватанимиз тонги ҳар гал давлатимиз Мадҳиясининг ана шу улғувор ҳамда умидбахш мисралар оханглари билан бошланади. Эндигина уйғонаётган кўёш шафқига нур бахш этувчи бу соҳир тарона янграганида, беихтиёр истиклол насилидан фараҳбах азиз диёримизнинг бепоён кенгликлари, саҳий дала-дашталари, серҳосил бог-роғлари, жўшин дарёлару йўқоқ сойлари, пувиқор тоғлари, яшил қир-адирлари бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Борлиқ янада гўзаллашиб, ажиб улғуворлик касб этади. Қалбда чексиз ғурур ва ифтихор тўғилури, яратувчилик ва бунёдкорлик ғайрат-шжоати жўш уради.
Хурриятнинг муаззам садоси, эл-юрт шарафи, фаҳри, жаҳоний эътирофи рамзи бўлиши бу оҳанрабо тарона тўққиз йилдан бунён диёримизнинг эркин ҳаволида баралла жарангламоқда. Нафақат юртимизда, балки Йўлбошимиз жаҳоннинг манаман деган давлатларига ташриф буюрганида, нуфузли ва мўтабар халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилаётганда овоз Ўзбекистонга эҳтиром кўрсатилиб, азим дарё мавжларидек жўшқин Мадҳиямиз янграйди.
Айни чоғда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган мамлакатимизга келаётган таниқли давлат ва ҳукумат раҳбарлари, машҳур сийёсат арбоблари Мадҳиямиз садолари остида кутиб олинмоқда ва кузатиб қўйилмоқда. Жаҳон миқёсидаги ареналарда спортчиларимиз эришяётган оламшумул ғалабалар шарафига Байроғимиз кўтарилаётган ҳажонли дамларга ҳам урт қасида оханглари алоҳида тантанаворлик бахш этмоқда.
Энг улғу ва энг азиз байрамларимиз, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, халқаро анжуманлар, учрашувлар ва бошқа яидик тад-

Бирлар ана шу шўқулли тарона садолари остида бошланади. Ҳарбий қисмларда Ватанга садоқат ҳақида қасамд қабул қилаётган шонли аскарларимиз шарафига ижро этилади. Уқувчи ва талабаларнинг қўндалик сабоқлари ҳам Ўзбекистон Қахрамони, ардоқли халқ шoirи Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур композиторимиз Мутал Бурҳонов яратган мусиқа жўрлигидаги Мадҳия ижроси билан бошланган яхши одатга айланган.
Бир сўз билан айтганда, юртимиз фуқаросининг доимий йўлдоши, бахти-икболи ҳамда юзи ғурулиги тимсол бўлган уқтам ва мардона бу қўшиқ ҳамюртларимиз қалбига она-Ватан сиймосини янада тيرانроқ гавдалантириш, ёш авлодни шу жонажон юрта чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда, халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришда маддадор бўлмоқда.
Йиллар, асрлар ўтади. Миннатдор авлод мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамалигида истиклолнинг дастлабки кунлариданқоқ неча минг йиллик давлатчилгимиз анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, суверен давлат ва унинг асосий тимсоллари — Байроғи, Герб, Мадҳияси ва Конституциясини миллий ҳамда умуминсоний қадрларга мос равишда яратиш борасида амалга оширилган улғувор ишларни чексиз фахр ва ифтихор билан эслайди.
Зеро, истиклолимиз истикболи, юртимизнинг ёруғ келажаги, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимиз шон-шухрати, Ватанимиз куч-қудратини шарафловчи бу буюк қасида бамисоли онадек серҳли ва меҳрли калом билан авлодларимизни ҳаммаша улкан бунёдкорлик ишларига қорлайверади.
Фулум АБДИРАҲИМ, (ЎЗА).

СЕПАНА 11



5.30 Рамазон тўқаси. 5.50 «Хай» Телефилми. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Абдорот».

«Полихат». Абдорот дастури. 18.45 ТВдаа сериал «Луиза Фернандас».

15.25 «Еврейи фаршанга» Теледериал. 16.20 «Одий ҳақиқатлар» Теледериал.

14.10 «Фермер» Тележурнал. 14.30 «Остона тиллодан» Теледериал.

20.05 «Ошиқона» Мусикий дастури. 21.05 «Хайри тун, синкинотлар!».

10.00 Кўрсатувлар дастури. 10.05 «Сана» телеканали. 11.00 Мультипликация «Қазақларнинг жойи уйғалганда».

16.35 «Делулат». 16.50 Рамазон тўқаси. 17.10 «Жавоқларга хазинаси».

6.00 «Хайри тонг!» телеканали. 9.00 «Телекорт» сериали.

8.00 «Кайфият» Тонги канида. 10.50 Газетлар ёмири.

8.00 «Кайфият» Тонги канида. 10.50 Газетлар ёмири.

8.00 «Кайфият» Тонги канида. 10.50 Газетлар ёмири.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр» Абдорот дастури.

30

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30 «Ўзбекистонда ишлаб чиқариш».

PTP

9.00, 19.30 RENTV да «Fox Kids».

TV

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Бугун».

AGT

8.00 Мультифилм: «Секри дўх».

TV

10.00 «Этнокаднинг овози» Диний ҳурати.

TV

10.00 «Этнокаднинг овози» Диний ҳурати.

AGT

8.00 Мультифилмлар. 8.30 «Сағанин сирлари».

TV

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВдаа сериал «Санта-Барбара».

TV

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ.

AGT

8.00 Мультифилм: «Олтин кийим».

САЛОМАТЛИК

Гриппдан сақланиш

Грипп — энг кўп тарқалган оқуқли касалликлардан. Деярли ҳар йили грипп эпидемияси халқ ҳужалигига кўп зарар етказида.

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

САЛОМАТЛИК

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

TELEFONLAR: хатлар — 133-29-70; Эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

«АО ДИЛОРОМ» ҳусусий фирмаси жамоаси фирманing бoш раҳбарини Одил Обидович Абдурахмановга отаси.

«АО ДИЛОРОМ» ҳусусий фирмаси жамоаси фирманing бoш раҳбарини Одил Обидович Абдурахмановга отаси.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209.

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.